

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Патологик физиология

(Лекциялар тўплами)

Тошкент – 2009

I. Мавзу. Кириш. Патологик физиология фани, ўрганиш методлари ва таркибий қисмлари.

Дарс режаси.

1. Патологик физиологиянинг объекти.
2. Патологик физиологиянинг вазифалари.
3. Патологик физиологиянинг ўрганиш методлари.
4. Патологик физиологиянинг таркибий қисми.

Таянч иборалар: организмнинг интеграл тузилмаси; патологик реакциялар, жараёнлар ва ҳолатлар; экспериментал метод; клиник методлар; диагностика; физикавий ва математик моделлаштириш нозология; этиология; патогенез.

Патологик физиология касал организм ҳаёт-фаолиятини, функцияларининг ўзгаришларини ўрганадиган фан. Патологик физиология грекча – *pathos* - азобланиш, касаллик, физиология – *phyziz* – табиат ва *logos* – таълимот, фан деган маъноларни билдиради. Сўнги вақларда «Патологик физиология» сўзи ўрнига «Патофизиология» сўзи ишлатилиб келинмоқда. Унинг асосини бир томондан биологик, морфологик, физиологик, биокимё ва физика фанлари ташкил этса, иккинчи томондан клиник медицина фанлари ташкил этади. Патологик физиология биринчи навбатда патологик анатомия фани билан боғлиқ, чунки касал организмдаги морфологик ўзгаришларни билмасдан, функционал ўзгаришларни ўрганиш мумкин эмас.

Медицинанинг барча фанлари сингари патофизиологиянинг ўрганиш объекти, мақсади ҳам – бу касаллик, касал инсон, касалликнинг сабаблари, уларнинг ривожланиши, олдини олиш, даволаш, соғлиқни тиклаш ва беморнинг меҳнат қила олиш қobiliятини сақлаб қолиш чора - тадбирларини ишлаб чиқишдир. Патофизиология касалликнинг организмни турли интеграл даражасида – молекуляр, хужайра, тўқима, орган, системалар ва организм даражасида вужудга келиши, ривожланиши, кечиши ва оқибатларини умумий ва хусусий қонуниятларини ўрганади.

Патологик ҳодисаларнинг (реакциялар, ҳолатлар ва касаллик) ривожланиш механизмларини ҳар томонлама билиш ва бунинг асосида уларни бартараф этиш, олдини олиш, оқилона даволаш, тўла тиклаш тадбир-чораларини ишлаб чиқиш медицинанинг шу жумладан патофизиологиянинг фундаментал ва замонавий муаммолари ҳисобланади. Бунинг учун даволовчидан медицина фанларидан ташқари биологик, экологик ва ижтимоий фанларни чуқур билишни талаб этади.

Медицинада касалликнинг ташхисини аниқлаш ва даволаш чораларини белгилаш учун унга кенг илмий-амалий ёндошиш, яъни клиник фикр юрита билиш керак. Касалликларга, ҳар бир беморга ана шундай аналитик-синтетик ёндашиши ва клиник мулоҳаза юрита билиш принципларини патофизиология шакллантиради. Бу - касалликнинг келиб чиқиш (биологик, кимёвий,

физикафий, эколог, ижтимоий) сабабларини ва улар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар ижтимоий, экологик ва генетик жиҳатдан аниқлаш демакдир.

Патолофизиологиянинг фан сифатида ўзига хос тўрт гуруҳдаги текшириш методлардан фойдаланади.

1. Тирик объектларда эксперимент ўтказиш. Эксперимент турли ҳайвонларда, организмнинг турли интеграл даражаларида ҳар хил патологик жараёнларни, имконият борида касалликларнинг моделлари ҳосил қилинади. Шу билан бирга тахмин этилаётган касаллик сабаблари, ривожланиш механизмлари, унинг юзага келишида ташқи муҳит омилларининг роли ва турли дори-дармонлар таъсири ўрганилади.

2. Клиник тадқиқотлар методи. Классик ва замонавий биологик, биокимёвий, биофизик, электрофизиологик, иммунологик ва бошқа турли клиник-лабораторияларга хос функционал - диагностик методлардан фойдаланиб касаллик ҳақида маълумотлар олиш.

3. Компьютердан фойдаланиб математик ва физикавий моделлашдан фойдаланиш методлари билан тиббий биологик нуқтаи назардан имконияти бўлмаган кўрсаткичларни, турли патологик жараёнларнинг ривожланиш механизмларини, оқибатларининг олдини олиш ва даволаш чораларини ишлаб чиқишда катта аҳамият касб этади (томография, сканер қилиш).

4. Олинган натижаларни таҳлил этиш ва илмий концепцияларини шакллантириш. Илгари олинган касаллик тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва илмий асослаб бериш.

Патологик физиологиянинг принциплари.

1. Патологик жараёнлар (касаллар)нинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва организмнинг реактивлиги механизмларини ўрганиш.

2. Таснифий характери бўйича турлича бўлган касалликларда ана шу умумий қонуниятлар доирасида сон жиҳатдан нисбатан унча кўп бўлмаган кўринишларнинг бир хил тарзда (стереотип) такрорланиши, яъни типик патолофизиологик жараёнларни ўрганиш.

3. Касалликларнинг сонидан қайиё назар айрим орган ва системаларнинг функционал бузилиши ва тикланишида ўзга хос специфик бўлган типик шакллари ўрганиш.

4. Патологик жараёнлар (касалликлар)ни моделларини яратиш ва даволаш механизмларини ишлаб чиқиш.

Патологик физиология 3 қисмдан иборат:

1- қисм. Умумий патофизиология

А. Нозология.

Б. Этиология.

В. Патогенез

2- қисм. Типик патологик жараёнлар

3- қисм. Орган ва системалар патологиясининг типик шакллари.

Дарс режаси.

1. Нозология ҳақида тушунча.
2. Шикасланиш ва реактив жараёнлар.
3. Касалликнинг кечиши ва оқибатлари.
4. Соғайиш ва касалликнинг қайталаниши.

Таянч иборалар: нозология, дестрофия, паранекроз, некробиоз, некроз, реактивлик, компенсатор ва ҳимоя-мослашув реакциялари, продромал давр, рецидив, ремиссия.

Нозология (грекча – *posos*, лотинча *morbus* - касаллик) касалликларда содир бўладиган морфологик, функционал ва биокимёвий ўзгаришларнинг тиббий асосларини қамраб олувчи, шунингдек унинг пайдо бўлиш сабаблари, шароитлари, ривожланиш механизмлари ҳамда таснифлаш асослари ҳақидаги фандир. Тирик организмлар такомиллашиб борган сари уларда юзага келувчи касалликлар хилма хиллиги ошиб, мураккаблашиб боради. Жумладан одамда бу яққол ўз аксини топган. Шу билан бирга у сунъий муҳитда яшаганлиги учун ҳайвонларда учрамайдиган касалликлар билан оғрийди (ошқозон язваси, гипертония, астма, рухий касалликлар ва ҳ.к.).

Ҳар қандай касаллик ҳужайра, тўқима, органларнинг шикасланиши натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун шикасланиш – касаллик ривожланишининг бирламчи асоси ҳисобланади. Ҳужайра шикасланишининг шакллари – унинг дестрофияси, паранекрози, некробиози ва некрози ҳисобланади. Ҳужайралар шикасланишининг тикланидиган, тикланмайдиган, махсус ва умумий турлари фарқланади.

Организмнинг шикаслангандан сўнг тикланиши унинг реактивлигига боғлиқ. Реактивлик – яхлит организмнинг ва шунингдек, унинг органлари ва ҳужайраларини муҳит таъсирида ҳаёт фаолиятини ўзгартириб жавоб бериш қобилиятидир, ёки реактивлик – муҳитнинг зарарли таъсирларига организмнинг чидамлилиқ - бардошлилигининг умумий механизмидир. Масалан, фагоцитар реакциялар, гумарал иммунитет, аллергия реакциялар шулар жумласидандир. Шикасланганда организмнинг жавоб реакциялари ҳужайра, орган, системалар ва бутун организм даражасида содир бўлади.

Патологияда организмда янги сифат кўрсаткичлари намаён бўлади яъни, ҳарорат, вазн, қон ва сийдикнинг ҳажми миқдори ва ҳақозаларда янги сифат кўрсаткичлари пайдо бўлади. Таъсиротлар натижасида организмда пайдо бўладиган шартсиз ва шартли рефлекслар ҳимоя реакциялари қаторига киради. Буларга йўтал, қусиш, аллергия реакциялар ва ҳақозалар киради. Патоген кўзгатувчиларнинг узоқ муддатли таъсири натижасида компенсатор – ҳимоя реакциялари пайдо бўлади яъни, органнинг маълум бир қисми зарарланса, шу жойнинг ишини бошқа қисми бажаради. Масалан, бир буйракни олиб ташласа битта буйрак ҳар иккала буйрак ишини бажаради. Патологияда шикасланган организм қисмини тикланиши бириктирувчи тўқима ҳисобига бўлади. Бу жараён регенерация дейилади. Касалликда организм яхлит ҳолда ўзида ҳимоя-

мослашув, компенсатор ва тикланишга йўналган реакцияларни фаол ҳолда жалб қилади.

Касалликнинг ривожланиши шартли равишда куйидаги умумий даврларга бўлинади.

1. Латент ёки яширин даври – патоген кўзгатувчи организмга тушуб, ўз таъсирини кўрсатиши, яъни касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлгунигача ўтган вақт оралиғи. Бу давр бир неча секунддан ўн йилаб давом этиши мумкин.

2. Продромал (грекча – prodroma – касаллик нишонаси) – касалликнинг биринчи аломатлари юзага келганидан бошлаб, то унинг дастлабки клиник симптомлари тўла намоён бўлгунича ўтадиган муддат.

3. Касалликнинг клиник симптомлари яққол кўринган - авж олган даври – касалликнинг дастлабки клиник симптомлари юзага келгандан бошлаб, унинг ҳамма клиник симптомларининг тўла ривожлангунича бўлган давр.

Касалликда куйидаги оқибатлар кузатилади: соғайиш, рецидив, ўткир турдан сурункали турга ўтиш ва ўлим.

Соғайиш - мураккаб ҳимоя, мослашув, компенсатор, тикланиш жараёнларининг йиғиндиси бўлиб, янги сифатларни ўзида мужасам этиб организмнинг тикланишидир. Тўла ва чала соғайишлар мавжуд. Соғайишнинг куйидаги механизмлари фарқ қилинади.

1. Шошилиш «аварияли» - фалокат юз берганда беқарор ишга тушувчилар (секундлар ва дақиқалар ичида содир бўлувчилар): а) ҳимоя рефлекслари (кўзни қисиш, аксириш, йўталиш, қусиш, кўздан ёш ажратиш ва ҳақозалар), б) стресс реакциялар (адренален ва кортикоидларни ва уларни рағбатлантирувчи гипофиз гормонларини ажратиши), в) муҳим физиологик кўрсаткичлар доимийлигини сақлашга қаратилган реакциялар (қон босми, қанд миқдори ва ҳақоза).

2. Нисбатан барқарор ҳимоя-маслашув ва кампенсатор механизмлари (кун, ҳафталар ичида): а) органларнинг захира кучларидан фойдаланиш. (масалан; ўпка нафас сатҳининг 20-25%, юрак мушакларининг қисқариш қувватини 20%, буйрак каптокчалари фаолиятини 20-25% , жигарнинг 12-15% и захира ҳисобланиб, патологияда тўлиқ ишга тушади), б) кўп сонли регулятор тузилмаларни жалб этиш. (терморегуляция, лейкоцитлар миқдорини ошириш ва ҳ.к.), в) захарли моддаларни нейтраллаш, г) иммун-ҳимоя ва аллергия реакциялар.

3. Узоқ муддатли барқарор ҳимоя-мослашув ва компенсатор реакциялар (ойлар, йиллар): а) компенсатор гипертрофия, б) репаратив регенерация, в) иммун реакциялар, г) МНСнинг пластик реакциялари.

Касалликнинг клиник аломатлар бир муддат ичида юзага келиб, сўнгра йўқолиб, яна қайтадан пайдо бўлиши касалликнинг рецидиви – қайталаниш деб аталади. Касаллик рецидиви ўртасидаги бемор аҳволининг бир оз бўлсада вақтинча яхшиланиш даврига ремиссия (кучсизланиш, пасайиш) дейилади.

Касалликнинг кечишига кўра ўткир ва сурункали касалликлар фарқ қилинади. Сурункали касалликлар этиологияси ҳамда организмнинг хусусиятига кўра узоқ кечишига мойил бўлади (ревматизм, юрак пороги ва ҳ.к.).

Адабиёт. Н.Ҳ.Абдуллаев, Ҳ.Ё.Каримов, Патолофизиология, 1998 й. 12-22 бетлар.
III. Мавзу. Умумий этиология ва этиологик омиллар.

Дарс режаси.

1. Этиология ва унинг хиллари.
2. Этиологиянинг тарихи.
3. Физикавий этиологик омиллар.
4. Кимёвий, биологик ва психологик этиологик омиллар.

Таянч иборалар: этиология, монокаузализм, кондициализм, конституционализм, биологик детерминизм, лазер, онкология, офтальмология, УЮЧ, тавуш тўлқини, психоген омиллар.

Этиология (юнонча – *aitia* – сабаб, *logos* - таълимот) касалликнинг пайдо бўлиш сабабларини ва шароитлари ҳақидаги фан. Умумий ва хусусий этиология фарқ қилинади.

Умумий этиологиянинг вазифаси касаллик пайдо бўлишининг умумий қонуниятларини аниқлаш.

Хусусий этиологиянинг вазифаси ҳар бир касалликнинг пайдо бўлиш сабабларини ва шароитларини аниқлаш. Касалликнинг «ўзида пайдо бўлувчи» эндоген ва экзоген сабаблари фарқ қилинади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб С.Л Пастер, Р.Кох каби олимлар ишлари натижасила бактериология фани ривожланди ҳамда сил, вабо, чума каби касалликларнинг сабаблари аниқланди. Этиологияда **монокаузализм** назарияси шу муносабат билан пайдо бўлди.

Бу назарияга кўра:

- барча касалликларнинг сабабчилари бир, улар асосан микро-организмлардир. Қанча микроблар бўлса шунча касалликлар бор.

- касалликнинг пайдо бўлиши учун организмга микроб киришининг ўзи етарли.

- микроблар орган ва системаларнинг хужайраларини шикасловчи асос ҳисобланади.

Генли- Кох триадаси:

- 1) қандайдир касалликни чақирувчи микроорганизм фақат шу калласликда учрайди, инсонларнинг бошқа касалликларида учрамайди,

- 2) микроорганизм соф культура ҳолида ажратиб олини шарт,

- 3) соф культура ҳолидаги микроорганизм назоратли тажрибада қайси касалликни қўзғатувчи деб тахмин қилинаётган бўлса, Ушбу касалликни пайдо қилиши керак.

«Тибиий фалсафий» - **кондинционализм** (латинча – *condicionalis* - шароит) оқими асосчилари М.Ферворн ва Ганземан ҳамда тарафдорлари фикрича:

1) касаллик инсон ва ҳайвон организмига ҳар хил тенг қимматли шароитлар мажмуасининг таъсир қилиши натижасида пайдо бўлади. Шароитлар ташқа ва ички бўлади.

2) организмга таъсир қилувчи ҳар хил шароитлар ичида касаллик пайдо бўлишига бевосита «жавобгар» бирорта энг муҳим омилни ажратиш кўрсатиш мумкин эмас.

3) медицина фани ва амалиётидан касаллик пайдо бўлишида унинг сабаби ва аҳамияти деган тушунча мутлақо олиб ташлаш керак.

Бу назарияга кўра «инсоннинг касалланиши унинг йўқсиллиги-камбағаллиги-ночорлигидир» деган хулосага келинди.

XX асрда **конституционализм** оқими пайдо бўлиб, (унинг асосчиси Ю.Тендлер) унинг тарафдорлари касалликлар сабаби қуйидагича тушунтиради:

1) ҳамма касалликлар ирсият билан боғлиқ, яъни ҳар бир шахсда унинг ирсий фазилатлари билан у ёки бу касалликнинг пайдо бўлиши программалаштирилган.

2) ташки омиллар фақат бошлаб берувчи механизм вазифасини бажаради холос ва шунинг учун касалликнинг сабаби бўлиши мумкин эмас.

Биологик детерминизм таълимоти қоидалари:

1. Табиатда барча ҳодисалар, шу жумладан касаллик ҳам ўз сабабига эга, сабабсиз касаллик бўлмайди.

2. Касалликнинг сабабси ўз моҳиятига кўра моддийдир. У бизга тобе эмас

3. Сабаб организм билан фаол ўзаро муносабатда бўлади, уни ўзгартиради ва ўзи ҳам ўзгаради.

4. Касаллик сабаби организмга бошқа кўп сонли омиллар, шунингдек шарт-шароитлар билан биргаликда ўзаро муносабатда бўлган ҳолда таъсир этади, аммо фақат сабаб ҳар хил касалликнинг ўзига хос хусусиятларни белгилайди. Сабаб патологик жараёнга такрорланмайдиган сифатни бахш этади.

5. Шароит касалликка сабабчи бўлмайди, у организмнинг патологияга нисбатан қаршилик кучини оширади ёки сусайтиради.

6. Касаллик пайдо бўлишида сабаб, шароит ва организм хусусиятлари бир – бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

7. Касаллик пайдо бўлиши ва ривожланишида сабаб, шароит ва организм ўртасидаги алоқалар маълум қонуниятларга бўйсинади ва уларни илмий жиҳатдан олинган башорат қилиш мумкин. *Касаллик = сабаб + организм.*

Физикавий этиологик омилардан бири *лазердир*. Лазер нури энсиз кучли иссиқ оқимдан иборат фокусланганда олмосни, вольфромни ёки палладийнийни эрита оладиган юқори энергияли нурдир. Онкологияда, офтальмологияда ва стоматологияда бузилган тўқима ва орган қисмларини ўлдиришда фойдаланилади.

Электр энеряси ҳам физикавий омил ҳисобланиб, токда, чақмоқда, момақалдирикда ва яшинда мавжув бўлади. Тебраниши 40-60 Гц: 40В, – ҳавфли эмас; 100В- шартли патоген; 200-500В – шартли ўлдирувчи; 500Вдан ортиқ – ўлдирувчи ҳисобланади. Тебраниши қанча катта частотали бўлса патоген таъсири шунча кам бўлади. Медицинада УЮЧ – ультра юқори частотали токдан фойдаланилади.

Нормада одам 16-20 минг Гц частотали *товуш тўлқинларини* эшита олади. 16 мингдан паст Гц ли товуш инфратовуш дейилади, 20 мингдан юқори товуш ультра товуш дейилади. Товушлар: тонлар ва шовқин хилларига бўлинади. Товушнинг шиддати децибел Дб бирлигида ўлчаниб, нормал 60 Дб ҳисобланади. Медицинада кучсиз ультра товуш диогностикада (УЗИ) ва массажда қўлланилади.

Босим ҳам физикавий этиологик омил бўлиб, пасайганда қондаги ва тўқима суюқлигидаги моддалар газ ҳолатига ўта бошлайди. нормал баландлик денгиз сатҳидан 1500-2000 метр баландлик ҳисобланади.

Кимёвий этиологик омилларга қишлоқ хужалигида ишлатиладиган химикатлар, майший чиқиндилар, катта дозадаги дорилар ва ортиқча йиғилиб қолган метоболизм маҳсулотлари киради. **Биологик этиологик** омилларга ўсимликлар ва уларнинг мевалари, ҳайвонлар ва микроорганизмлар киради.

Ижтимоий жамиятнинг таъсири **психоген этиологик** омиллар дейилиб уни ўрганувчи фан тиббий деонтологиядир. Бу омилар киши нерв системасига таъсир кўрсатиши натижасида турли патологик ҳолатлар вужудга келади.

Адабиёт. Н.Ҳ.Абдуллаев, Ҳ.Ё.Каримов, Патофизиология, 1998 й. 24-33 ва 49-64 бетлар.

IV. Мавзу. Умумий патогенез.

Дарс режаси.

1. Патогенезда этиологик омилларнинг аҳамияти.
2. Бирламчи шикасланиш ва унинг даражалари.
3. Патогенезнинг асосий ҳалқаси. Патогенезда «Бузук доира»
4. Касалликнинг умумий механизмлари, соғайиш механизмлари.

Таянч иборалар: патогенез, механик, термик, инфекцион, юрок парогии, пневмония, гепатит, колит, локал пневмония, асосий ҳалқа, варикоз, бузук доира, метеоризм, барорецепторлар .

Патогенез (грекча pathos –касалланиш, genesis – юзага келиш) касалликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш механизмлари ҳақидаги таълимот. Умумий ва хусусий патогенез фарқ қилинади. Умумий патогенез умуман касалланиш ва касаллик вақтида структур, функционал ҳамда метаболик ўзгаришларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва оқибатларининг механизмларини ўрганади. Хусусий патогенез айрим, аниқ касалликларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва оқибатларининг механизмларини ўрганади.

Касалликларнинг ривожланишида этиологик омилларнинг қуйидаги уч тури фарқ қилинади: 1) катта зарар етказувчи кучга эга экологик омиллар; кучли механик таъсирлар, термик, электрик ва заҳарланиш, 2) организмни ҳалокатга олиб келиш кучига эга бўлмаган омиллар, бунда ташқи этиологик омил бирламчи туртки бўлиб, унинг натижасида иккиламчи – ички этиологик омил таъсирида патогенез ривожланиши мумкин; термик, нурланиш, механик, 3) этиологик омил касалликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва оқибатининг ҳамма даврлари мобайнида иштирок этиши, аммо унинг шикасловчи таъсир кучи касалликнинг ривожланиш даврида ё ортиши ёки заифлашиши мумкин, инфекцион омиллар. Этиологик омилларнинг аҳамияти бу уч ҳолат билан чегараланмасдан булар нисбий этиб қабул қилинган.

Бирламчи шикасланиш организмнинг турли интеграл даражасида молекуляр, ҳужайра, орган, система ва яхлит организмда пайдо бўлиши мумкин.

Малекуляр даражада шикасланиш мутоген этиологик омиллар таъсирида пайдо бўлиб, унга қарши организмда специфик ва носпецифик ҳимоя-компенсатор механизмлари пайдо бўлади. Ҳужайравий даражада шикасланишда организмда асосан компенсатор механизмлари ва регенерация жараёнлари кечади. Орган даражасида шикасланишда (м. юрак парогии, пневмония, гепатит, колит) ҳимоя-компенсатор реакциялари органлар, системалар ва организм даражасида кузатилади. Барча бирламчи шикасланишлар ҳам организмни касаллик олиб келиши шарт эмас.

Касалликда морфологик ўзгаришлар бўлмасдан функционал ўзгаришлар бўлмайди. Аммо баъзи касалликларда молекуляр даражада бўлганлиги учун билиш мушудир; масалан O_2 етишмаслиги натижасида ўлим юзага келиши. муайян органнинг хужайралари ва тўқималаридаги структура ўзгаришлари унинг функцияларида турли бузилишларни келтириб чиқаради. Масалан, юрак ўтказувчи системасидаги ўзгариш унинг фаолиятининг катта ўзгаришига олиб келади ва бу бутун организмнинг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Патоген этиологик омил таъсирида организмнинг хужайралари, тўқималари ва системаларининг тузилиши ҳам, функциолари ҳам бир вақтда ўзгаради.

Экзоген этиологик омиллар бирламчи шикасланишни чақиради ва организмдаги ўзгаришлар шунинг оқибати ҳисобланади. Бу оқибатлар ўз навбатида иккиламчи шикасланишга олиб келади. Шунингдек иккиламчи шикасланиш оқибати эса учламчи шикасланиш келиб чиқиши мумкин.

Яхлит организм билан боғланмаган ёки ажралган, фақат маҳаллий (локал) шикасланишлар учрамайди. Касаллик – бутун организмнинг умумий шикасланишидир. Маҳаллий ва умумий ўзгаришлар ўртасида мураккаб гуморал ва нейроген алоқалар юзага келади. Масалан пневмония умумий касаллик, ўзгариш эса ўпкада кечади. Патологик жараён экзоген этиологик омиллар таъсирига бирламчи маҳаллий шикасланишидан бошланади, аммо кейинчалик шикасланган ўчакдан турли биологик фаол моддаларнинг қонга ўтиши организмнинг умумий реакцияларини келтириб чиқаради. Патолок жараён органнинг маҳаллий шикасланишидан эмас, бутун организмнинг умумий реакцияси билан бошланади, маҳаллий патологик ўзгаришлар эса иккиламчи пайдо бўлади.

Касалликда патогенез кема - кет келадиган ўзгаришлар ҳалқаси (звеноси)дан иборат, шу сабабли патогенезнинг асосий ҳалқаси ва етакчи звеноси фарқ қилинади. Бу звено қуйидаги хусусиятларга эга: 1. Асосий ҳалқа – патогенезнинг қолган звенолари бошланиши учун зарур; 2. Патогенез жараёнининг барча кўринишлари асосий ҳалқанинг пайдо бўлишидан бошланади ва энг аввол юзага келади; 3. Асосий ҳалқа ҳар бир касаллик патогенезининг махсус хусусиятларини белгилайди; 4. Асосий ҳалқани ўз вақтида бартараф этиш, патогенезнинг қолган звеноларининг йўқолишига олиб келади. Масалан, варикоз касаллиги патогенезининг звенолари қуйдагилар: қоннинг томир бўйлаб оқиши қийинлашиши, органда веноз қоннинг тўпланиши, венанинг кенгайиши, кенгайган венада ҳароратнинг пасайиши, терининг кўкимтир тусга кириши ва ҳакоза. Асосий ҳалқа қонни томир бўйлаб оқилишининг қийинлашиши ҳисобланади. Системали ўзгаришларда ва бутун организмнинг касалликларида патогенезнинг асосий ҳалқасини аниқлаш анчагина мураккабдир. Масалан, травматик жароҳатланиш шокида асосий звена МНСдаги ўзгариш, аммо моддалар алмашинувининг бузилиши, юрак ва эндокрин етишмовчилиги, қон айланишининг бузилиши каби звенолар ҳам асосий ҳисобланади.

Касаллик патогенезини ўрганишда асосий звенони ажратиб олиш, уларни пайдо бўлиши ва ривожланиш механизмларини таҳлил қилиш ва уларнинг сабаб-оқибат муносабатларини белгилаш зарур бўлади.

Ҳар хил касалликларда кўпинча юз берувчи ҳодисалар занжири «бузук доира» деб ном олган ҳалқада туташади. Бузук доира юзага келган патологик жараёни ўзи қўллаб-қувватлаб ушлаб туради ва кучайтиради. Бундай бузук доиранинг шаклланиши касалликнинг кечишини оғирлаштиради ва ҳаётга таҳлика солади. Масалан операциядан сўнг метеоризм деб номланадиган патологик жараён кузатилади ва унинг кечиши қуйидагича: операция ичак атониясини келтириб чиқаради ва бунинг натижасида ичак бўшлиғидаги маҳсулотларнинг ачиш жараёнлари кучаяди. Тўпланаётган газлар ичак деворларини кенгайтиради, барорецепторларни қитқлайди ва рефлектор йўл билан ошқозон ва ичак йўли перистальтикасини ҳамда секрецияни тормозлайди. Бу эса ўз навбатида ачиш жараёнини кучайтиради ва оқибатда метеоризм борган сари зўрайиб хатарли натижаларга олиб келади.

Ҳар қандай касалликнинг патогенезида умумий ва махсус механизмлар кузатилади. Умумий (носпецифик) механизмларга яллиғланиш, иситма, микроциркуляциянинг ўзгариши, модаддар алмашинувининг бузилиши ва ҳақозалар кирса, махсус (специфик) механизмларга иммунитет реакциялари киради. Касалликнинг патогенезида организмнинг реактивлиги катта аҳамиятга эга. Бир турдаги этиологик омилга ўз реактивлигига кўра организм турлича жавоб реакциясини беради. Организмнинг реактивлиги ёшга жинсга ва давр (оғир оқ ёки ёш болали)га боғлиқ. Нормада ҳам, патологияда ҳам нерв системаси ва ички секреция безларини аҳамияти катта. Бу системалар организмда ҳимоя-мосланиш реакцияларни шаклланишида, гуморал бошқарилишида ва бир бутунлиқни (гомеостаз) сақлашда катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир касалликнинг пайдо бўлиш механизмлари ниҳоятда турлича ва мураккабдир. Аммо, шартли равишда қуйидаги умумий патогенетик механизмларни кўрсатишимиз мумкин: 1. Шикасланиш патоген омилларнинг организмга бевсита таъсиридан келиб чиқади. 2. Касалликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш механизмларида нерв системасининг рефлектор ва трофик функцияларининг бузилиши етакчи бўлиши мумкин. 3. Касалликнинг ривожланиш механизмларида ички секреция безларининг гормонал-гуморал бошқарилишининг бузилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. 4. Касалликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш механизмларида моддалар алмашинуви ва гомеостазнинг бузилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Касаллик ва соғайиш кема – кет келадиган ҳодисалар бўлиб, организм ҳимоя-мослашув реакциялари патологик жараёнларга нисбатан устинлик қила бошласа соғайиш бошланади. Ҳар хил касалликларда соғайиш механизмлари турлича бўлиши билан бирга шундай механизмлар ҳам борки барча касалликларда бир хил пайдо бўлади ва ривожланади. Соғайиш физиологик (нерв, гуморал) биокимёвий, функционал механизмлар ёрдамида таъминланади. Соғайишнинг қуйидаги шартли уч турдаги механизмларини фарқ қилиш мумкин: 1. Касалликнинг илк бошланиш давридаги соғайиш механизмлари – ҳимоя реакцияларининг кучайиши ҳисобга. 2. Касалликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш давридаги соғайиш механизмлари – ҳимоя ва компенсатор

механизмлари асосида. 3. Соғайишнинг кечиккан механизмлари – регенерация, компенсатор ва иммун реакциялари ҳисобига.

Адабиёт. Н.Ҳ.Абдуллаев, Ҳ.Ё.Каримов, Патолофизиология, 1998 й. 33- 49 бетлар.

V. Мавзу. Организмнинг реактивлиги ва унинг патологиядаги роли.

Дарс режаси.


1. Реактивлик тўғрисида умумий тушунчалар.
2. Реактивлик ва резистентлик тушунчалари орасидаги ўзаро муносабатлар.
3. Реактивликнинг эволюцияда шаклланиши.
4. Реактивлик механизмлари.

Таянч иборалар: реактивлик, аллергия, конституционал, филоонтогенетик, мижоз, резистентлик, антитело, лимфоид тўқима, онтогенез, стресс, бириктирувчи тўқима, фагоцитоз, регенерация.

Касалликнинг келиб чиқиши, унинг кечиши ва оқибат натижалари кўп жиҳатдан организмнинг ўзига хос хусусиятлари боғлиқ. Бу хусусиятлар умумлаштирилиб «реактивлик» тушунчаси билан юритилади.

Реактивлик – организмнинг турли ташқи муҳит таъсирларига ўзининг ҳаётий жараёнларини ўзгартирган ҳолда ўзига хос жавоб бериш хусусиятидир. Реактивлик организмнинг асосан ҳимоя ва мослашув характериға эға бўлган жараён бўлиб, эволюция жараёнида ҳосил бўлган ва касаллик патогенларға турлича жавоб бериш қобилятидир. «Реактивлик» деган тушунча медицинада XX аср бошларида киритилган, Пирке томонидан «аллергия», яъни ўзгарган реактивлик қобиляти тушунчасини киритилди. И.И.Мечников яллиғланиш ва иммунитет соҳаларида, Н.Н.Сиротинин ва А.А.Богомолецлар конституционал ва филоонтогенетик соҳаларида олиб борган ишлари билан реактивлик тўғрисидаги таълимотға ўз хиссаларини қўшди. Аллома Абу Али ибн Сино бу ўринда мижоз тушунчасини оқилона қўллаган.

Биологик реактивлик бирламчи бўлиб, реактивликнинг турға мансуб хусусиятлари шу биологик турнинг ҳар хил юқумли касалликларға нисбатан иммунитетини белгилайди. Масалан, одамнинг қора мол ўлати қўзғатувчисига нисбатан чидамлилиги одамға хос иммунитетнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Реактивликнинг классификацияси қуйидагича:



Жинс: эркек, аёл. Ёш: илк ёшлик, йигитлик, етук ёш, кексалик. Конституция: ирсий, ортирилган.

Умумий: физиологик, патологик, омилларга нисбатан (психоген, физик, кийвий, биологик). Хусусий: физиологик (резистентлик, иммунитет), патологик (аллергия, иммунологик).

Реактивлик ва резистентлик тушунчалари бир бирига эквивалент тушунчалар бўлиб, уларни аралаштириш зинҳор мумкин эмас. **Резистентлик** – бу организмнинг турли хил патоген омилларга чидамлилигидир. Бу организмнинг анатомио-физиологик, генетик ва хусусий оттирилган белгилари асосида маълум бир таъсуротларга қаршилиқ кўрсатиш қобилиятидир. Резистентлик реакцияларида организмда унчалик структур ва функционал ўзгаришлар содир бўлмайди. Шу туфайли резистентликни реактивликнинг маълум бир хусусий кўришинларидан бири ҳисобланади.

Резистентликнинг фаол ва суст турлари фарқ қилинади. Суст резистентлик организмнинг анатомик – физиологик хусусиятлари, яъни тери, шиллиқ пардалар, суякларнинг тузилиши, қоплама тўқималарнинг каттиқлиги ва чидамлигига боғлиқ. Фаол резистентлик ҳимоя-мослашув механизмларининг ишга тушиши билан боғлиқ (М. иммунитет). Резистентлик тўғма (бирламчи) ва ортирилган (иккиламчи) бўлиши мумкин.

Реактивлик эволюция жараёнида шаклланади. Организм фелогенетик пағонада қанча юқори турса, унинг турли хил таъсуротларга жавоб реакцияси шунча мураккаб бўлади. Содда ҳайвонларда ва кўпчилик умуртқасиз ҳайвонларда бирламчи реактивлик жуда суст бўлиб, иммунологик реактивлик бутунлай бўлмайди. Аллергик жараёнлар балиқларда кузатилмайди, амфибияларда бошланғич ҳолда, рептилияларда нисбатан яхши, қушларда яхши ва сут эмизувчиларда юқори даражада. Эволюция жараёнида организмнинг ташқи муҳит таъсирларига кўрсатадиган жавоб реакцияси, яъни реактивлиги тобора мураккаблашади ва мукамаллашади. Бу организмни ўзгарувчан ташқи муҳитга фаол равушда мослашувини таъминлайдиган янги-янги механизмлар пайдо бўлади.

Реактивлик онтогенез жараёнида ҳам такомиллашиб боради. Одам ҳомиласида бирламчи реактивлик жуда паст бўлиб, иммунологик реактивлик асосан она қони билан келадиган антителолар иштирокида кечади. Аллергик реакциялар кузатилмайди. Одатда бола она организмидан олган антитело LgG билан тўғилиб, бу 3 ойча сақланади. Чакалоқ организмида даставал LgM ишланади ва бир ёшга бориб унинг миқдори етук одамларникига тенглашади. 2-3 – ҳафталарда LgA ишлана бошланади, LgGнинг ошиши 2-3 – ойга тўғри келади. Антителоларнинг ҳосил бўлиши бир ёш давомида лимфоид тўқима тараққий эта бориши билан кучаяди ва балоғатга етиш давридан сўнг етук организм даражасига чиқади.

Реактивликнинг механизмларини таъминлашда нерв, эндокрин ва иммун системалар асосий ўрин тутаяди. Бу системаларнинг онтогенезда такомиллашиб

бориши организмнинг химоя-мослашув қобилиятларининг ошишига олиб келади. Масалан. Қаттиқ уйқу ёки наркоз пайтида организм турли таъсуротларга чидамлироқ бўлади. Умумий реактивликни таъминлашда гипофиз, буйрак усти без гомонларининг аҳамияти катта бўлса, хусусий раекивликда эса тимус, лимфа тугунлари, кумик ва талоқнинг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Қалқонсимон без фаолияти ошганда ёки қандли диабетда яллиқланиш жараёнлари ошади.

Реактивлик ва резистентликда бириктирувчи тўқиманинг ҳам аҳамияти катта. Тўқима хужайралари иммун жараёнларда, фагоцитозда, регенерацияда фаол иштирок этади ва химоя-тўсиқ вазифасини ўтайди.

Реактивликда ташқи шароитларнинг ҳам аҳамияти катта. Турли хил иқлим шароитлари (ҳарорат, намлик, босим, ҳаво таркиби) ораганизмнинг таъсуротларга нисбатан жавоб реакциясини тубдан ўзгартириши мумкин. Ижтимоий омиллар (очлик, стресс, меҳнат шароитлари) ҳам реактивликнинг ўзгаришига олиб келади. Салбий ташқи ва ижтимоий омиллар таъсирида аллергек ва иммун реакциялар кескин пасайиши кузатилади.

Адабиёт. Н.Ҳ.Абдуллаев, Ҳ.Ё.Каримов, Патофизиология, 1998 й. 84- 92 бетлар.

VI. Мавзу. Хужайра патофизиологияси.

Дарс режаси.

1. Хужайранинг шикасловчи омиллар.
2. Хужайра шикасланишининг умумий механизмлари ва асосий кўринишлари.
3. Шикасланишда хужайрадаги ўзгаришлар ва мослашув реакциялари .
4. Хужайраларнинг патоген таъсирларига чидамлигини ошириш.

Таянч иборалар: пикноз, дестрофия, дисплазия, некроз, некробиоз, аутолиз, гипертрофия, гиперплазия, гипотрофия, гипогликемия.

Тирик организмнинг фундаментал, функционал, ирсий белгиларинини ўзида сақловчи ва кўпайиш (бўлиниш) орқали шу белгиларни авлоддан-авлодга узатувчи энг кичик бирлигидир. Хужайрани шикасловчи омиллар уч гуруҳга ажратилади:

1. Физик омиллар: - механик таъсиротлар, улар мембраналарни бузади; - хужайра яшаётган муҳит ҳароратининг кўтарилиши оксиллар, нуклиен кислоталар структурасини бузади ва хужайра мембранаси ўтказувчанлигини ошириб юборади. Ҳароратни пасайиб кетиши метоболик жараёнлани сусайтиради ёки бутунлай бузади, гиалоплазмани кристалланишига ҳамда мембраналарнинг парчаланишига олиб келади; - чала парчаланган органик моддалар ва ионларнинг тўпланиши натижасида хужайранинг осмотик босимининг ўзгариши натижасида хужайра бўкиб шишади ва плазмолемма ёрилади. Хужайра осмотик босимининг пасайиши натижасида хужайра сувсизланиб, бурушиб қолади (пикноз) ва ниҳоят ҳалок бўлади.

2. Кимёвий омиллар. Уларга органик ва анорганик кислоталар, асослар, оғир металл тузлари ҳамда бузулган метоболизм маҳсулотлари киради. Уларни шикаслаш механизмлари ўзига хос бўлиб, бу уларнинг кимёвий тузилиши билан белгиланади. М: цианидлар цитохромоксидаза фаоллигини сусайтиради; маргимуш тузлари пируват оксидазани фаолсизлантиради. Дори моддаларни нотўғри ишлатиш оқибатида ҳам хужайралар кимёвий шикасланаши мумкин.

3. Биологик омиллар. Бунга вируслар, микроблар, паразитлар, замбуруғлар ва ҳ.к. киради. Улар таъсирида хужайралар фаолиятини, унда кечадиган метоболитик реакцияларни, хужайра мембранисининг ўтказувчанлигини ва бутунлигини бузади; ферментлар фаоллигини издан чиқаради.

Хужайрани шикасловчи омиллар эндаген ёки экзоген бўлиши мумкин. Улар таъсирида хужайрада асосан биокимёвий ундан сўнг морфологик ўзгаришлар пайдо бўлади. Аммо шикасловчи омиллар таъсирида ҳамма вақт

ҳам ҳужайра фаолияти ва структураси бузулмаслиги мумкин. Чунки, бунга жавобан ҳужайрада адаптация механизмлари ишга тушади.

Ҳужайра шикасланишининг умумий механизмларига:

1. Альтерация механизми – ҳужайрада ҳосил бўливи энергия билан таъминланиш жараёнларининг ўзгариши, уларнинг шикасланиши. Ҳужайрада АТФ синтези, уни ташиш ёки сарфланиш босқичлари бузилиши кислород тақсиллигида, метаболизм субстратларнинг етишмовчилигида, нафас олиш ферментлар фаоллигининг бузилишида, митохондриялар зарарланганда ва х.к. да содир бўлади. Бу ҳолат ҳужайрани нормал ишлашига салбий таъсир кўрсатади. 2. Мембраналар ва ферментларнинг шикасланиш механизмида мембрана ҳамда унга боғланган ферментларнинг ҳолатининг ўзгариши, эркин радикал реакциялар, липидларнинг ўта оксидланиш жараёнларининг ўзгариши катта аҳамиятга эга. Бу жараёнлар ҳужайра нормал ҳолатида ҳам руй беради. Патологияда липазалар, фосфолипазалар ва протеазаларнинг фаоллиги ошию, гидролиз жараёнларини кесин оттириб юборади. Натижада ҳужайрада эркин ёғ кислоталари, турли фосфолипидлар тўпланади, улар ҳужайра мембранасига кириб, липопротеид комплексларнинг тузилишини бузади ва оқибатда уларнинг ўтказувчанлиги ошади. 3. Ионлар нисбатининг ўзгариши механизми. Патогенлар таъсирида ионлар нисбатининг бузилиши даставал К, Na га боғлиқ. АТФаза фаоллиги ўзгариши натижасида ҳужайрада калий йўқолиб, натрий ва кальций тўпланиб қолади. Ионлар нисбатининг бузилиши туфайли мембрананинг тинч ҳолатдаги потенциали ўзгаради ва қўзғалиш импульсининг ўтказилиши бузилади. Ҳужайра ионлари нисбатининг бузилиши гиалоплазмадаги суюқлик ҳажмини ўзгартиради, масалан, ҳужайрада натрий ва кальций тўпланиши осмотик босим ошишига ва унда сув йиғилишига олиб келади ва шу тариқа ҳужайра шишади.

Ҳужайра генетик ахборотининг зарарланиши унинг фаолиятини бузувчи асосий омилдир. Ҳужайра генетик ахборотининг бузилиши мутация, патоген генларнинг ҳосил бўлиши, ҳаёт учун зарур генлар фаолиятининг ўзгариши ёки геномга ёт ДНК бўлакларининг кириши натижасида содир бўлади.

Ҳужайра шикасланишининг асосий кўринишлари қуйидагилар:

Дистрофиялар. Моддалар алмашинуви ва шунга боғлиқ пластик жараёнларнинг бузилиши ҳамда структур ўзгаришлар оқибатида ҳужайра ҳаёт-фаолиятининг издан чиқиши дистрофия дейилади. *Донадор дистрофия* ҳужайра цитоплазмасида оксил доналарининг пайдо бўлиши. *Гиалинли дистрофия* – цитоплазмада оксил табиатли гиалин «томчилари» пайдо бўлиши. *Гидропик (сувли, вакуол) дистрофия* цитоплазма оксилларининг физик-кимёвий хусусиятларининг ўзгариши туфайли келиб чиқади. Бунда цитоплазмада суюқлик тўла вакуоллар тўпланади. *Липоидозлар* – ҳужайрада ёғларнинг кўпайиши ёки уларнинг пайдо бўлиши. *Углеводли дистрофия*да полисахаридлар ва глюкопротеидлар алмашинувининг бузилишидан келиб чиқади (кўпайиши, камайиши ёки бутунлай йўқолиши). *Глюкопротеидли дистрофия*да ҳужайрада шиллиқ - муцин ва мукоидлар тўпланади. *Минерал дистрофиялар* – ҳужайрада минералларнинг камайиб ёки кўпайиб кетиши натижасидир.

Дисплазиялар – ҳужайранинг ривожланиш жараёнини издан чиқиши туфайли содир бўладиган турғун структур ўзгаришлар оқибатида ҳужайра фаолиятининг бузилиши. Дисплазия, асосан ҳужайра геноми бузилишининг оқибатидир. Агар патоген омил таъсирида органеллаларнинг мувофиқлашуви бузилса, унинг гомеостази бузилиб некрозга учрайди (ўлади). *Некроз* – дистрофия, дисплазия ва кучли шикасловчи омиллар таъсирининг сўнги якуний босқичидир. Некроздан олдин *некробиоз* кузатилади. Ҳужайра компонентларининг лизосомал ферментлар таъсиридаги гидролизи аутолиз механизмининг асосини ташкил этади.

